

МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Доцент **Кушакова Мамура Наримбаевна**
Ташкент давлат транспорт университети

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимиизда фаолият олиб бораётган корхоналарнинг молиявий натижаларини тавсифловчи қўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилишга эътибор қаратилган. Молиявий натижалар хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган қўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида аниқлаш мумкинлиги тавсифланган.

Калим сўзлар: корхона, тўқимачилик, молиявий натижса, фойда, зарар, маҳсулот сифати, чиқим, харажатлар, сарфлар, рентабеллик, таннарх, ишлаб чиқариш, таҳлил, натижса.

АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ ПРЕДПРИЯТИЙ, РАБОТАЮЩИХ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Доцент **Кушакова Мамура Наримбаевна**
Ташкентский государственный транспортный университет

Аннотация. В данной статье основное внимание уделяется анализу показателей, детализирующих финансовые результаты предприятий, действующих в нашей стране. Кроме того, в статье говорится, что финансовые результаты могут быть определены на основе анализа показателей, выраженных в виде прибыли или убытка экономического субъекта.

Ключевые слова: предприятие, текстиль, финансовый результат, прибыль, убыток, качество продукции, выпуск продукции, расходы, затраты, рентабельность, себестоимость, производство, анализ, результат.

ANALYSIS OF FINANCIAL RESULTS OF ENTERPRISES OPERATING IN OUR COUNTRY

Professor **Kushakova Mamura Narimbaevna**
Tashkent State Transport University

Abstract. This article focuses on the analysis of indicators detailing the financial results of enterprises operating in our country. In addition, the article specifies that financial results can be determined based on the analysis of indicators expressed in the form of profit or loss of an economic entity.

Keywords: enterprise, textile, financial result, profit, loss, product quality, output, expenses, costs, profitability, prime-cost, production, analysis, result.

Кириш.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётан корхоналарни янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни қўллаш борасида кенг кўламдаги амалий ишлар қилинмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “...иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар” устувор йўналиш сифатида белгиланди. *Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикамиз тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларини такомиллаштиришни тақозо этади* (Фармон, 2022).

Тўқимачилик корхонаси фаолияти самарадорлиги бир қанча туркум кўрсаткичлар билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткичлар тўқимачилик корхонаси ишлаб чиқариш, бошқарув, маркетинг, инвестиция, молия, инновация, ташқи савдо фаолияти натижадорлиги ҳамда мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан қай даражада фойдаланилганликни ҳам тавсифлайди. Биз ўз тадқиқотларимизда тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳолатини таҳдил қилишга эътиборни қаратдик.

Маълумки, қанчалик маҳсулот сифати юқори бўлса, шунчалик унинг ишлаб чиқарилган ҳажми юқори бўлади. Йил охирида қанчалик унинг қолдиғи кам бўлса, сотилган маҳсулот ҳажми шунчалик юқори бўлади. Шундай қилиб, сотиш ҳажмини оширишнинг заҳира сифатида омбордаги маҳсулот қолдиғи ва жўнатилган, аммо ҳали истеъмолчи томонидан пули тўланмаган маҳсулот ҳажми хизмат қиласи. Улар ҳолатини бухгалтерия баланси (1-шакл) маълумотлари асосида ўрганиш мумкин (Yo'ldoshev, Yusupov va boshq., 2016).

Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик юритувчи корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобот даврида хусусий капитал қийматининг ўсишини ёки камайишини ўзида акс эттирувчи молиявий натижа ҳисобланади. Молиявий натижалар тўғрисида сўз юритилганда, унинг моҳиятига тўхталиб ўтиш ўринли. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, молиявий натижалар кўрсаткичлари бўйича иқтисодчи олимлар томонидан турлича ёндашувлар берилган. Жумладан:

Соколов, Пятовларнинг (2007) фикрича “Молиявий натижа хўжалик юритувчи субъектнинг даромад ва харажатлари ўртасидаги фарқ ёки соф активларининг ўсишидир” деб таърифлашган.

Молиявий натижани моҳияти бўйича иқтисодчи олма Салова (2017) “Молиявий натижа- муайян даврда фойда (зарар) ҳажмининг ўсиши ёки камайишини ифодаловчи кўрсаткичдир” деб атаган.

Корхоналар хўжалик фаолияти таҳлили дарслигига Савицкая (2013) “Корхона фаолиятининг молиявий натижаси - олинган фойда ва рентабеллик даражасини ифодалайди” деб таъриф берган.

Россиялик иқтисодчи олим Пошерстникнинг (2011) фикрича, “Молиявий натижалар кўрсаткичлари корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани ифодалайди”. Шу боисдан хўжалик юритувчи субъектда иқтисодий самарага эришиш, уни ривожлантиришдаги муҳим вазифа корхонанинг операцион, молиявий ва инвестиция фаолиятида раҳбарият томонидан даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш усулларини эгаллаши зарур бўлади. Фойда шаклланишини самарали бошқариш бошқарув жараёнининг ташкилий-услубий тизимини барпо этиш, фойда

шаклланишининг асосий механизмларини билиш, уни таҳлил ва назорат қилишда замонавий усуллардан фойдаланиши кўзда тутади. деб атаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларимиздан Каримов, Исломов, Авлоқуловлар (2004) “Молиявий натижалар - бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва заарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади” деб таърифлаган.

Сметанко, Коваленко, Шарапова, Сорокина, Бурдюгларнинг (2014) илмий тадқиқотларида молиявий натижаларни ҳисобга олиш, молиявий ҳисобнинг якуний босқичи ҳисобланади деб ўз фикрларини ёритиб бердилар. Шунинг учун даромад ёки зарар ўртасидаги фарқ ҳақида қўйидаги фикрларни билдири. Оддий фаолиятдан олинган молиявий натижалар-ташкilotнинг асосий фаолияти субъекти бўлган операциялардан олинган фойда (зарар); -бошқа фаолиятдан олинган молиявий натижалар- ташкilotнинг асосий фаолиятидан бошқа операциялардан олинган фойда (зарар). Фавқулодда ҳодисалардан молиявий натижалар. Ташкilotнинг молиявий натижалари табиатини очиб бериш учун даромад ва харажатларнинг иқтисодий мазмунини амалдаги Қонунчилик нуқтаи назаридан ўз хулосаларини беришган.

Базилинськая (2011) ҳам қўйдагича таърифлайди:-“молиявий натижা-бу хўжалик юритувчи субъект оладиган фойда ёки заардир” деб кўрсатган ўқув қўлланмасида.

Молиявий натижажа бўйича хорижий иқтисодчи олимларимиздан Скалюк (2010) ҳам ўз дарсликларида “молиявий натижанинг қиймати нафақат корхонанинг хаётийлигини таъминлайдиган асос бўлиб, балки иқтисодий фаолият самарадорлигини, рентабеллигини ҳам акс эттирадиган, фаолияти асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдорий ўсиш имконияти ва корхонанинг барқарор ривожланиш потенциалини ҳам тавсифлайди” деб таъриф беради.

Демак, молиявий натижалар фойда ва заарларни ҳисоблаш билан яқунланиб, хўжалик юритувчи субъектнинг муаяйн даврдаги активларининг ошиши ёки камайишини ҳам акс эттиради.

Молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий ҳисоботнинг 2-сонли «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисобот шаклида ифодаланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли Йўриқномаси асосида белгиланади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий ва эркин фикрлаш, илмий мушоҳада қилиш, тизимли ёндашув усулларидан кенг фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон республикаси статистика қўмитаси ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги шароитда республикамиздаги амалдаги ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шаклланиши Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 1999 йил 5-февралда тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади (Низом, 1999).

Мазқур Низомга мувофиқ молиявий натижаларнинг шаклланиш қаторларига қўйидагилар киритилади:

1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа;
2. Асосий фаолиятнинг ялпи молиявий натижаси;
3. Молиявий фаолиятдан кўрилган натижа;
4. Умумхўжалик фаолиятидан олинган ялпи молиявий натижа;
5. Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан натижа;
6. Солиқ тўлангунгача бўлган ялпи молиявий натижа;
7. Йилнинг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижаларнинг бу таркиб туркумланишини халқаро ҳисоб андозаларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Бунда асосий фаолият молиявий натижалар қаторига корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган натижаси, асосий воситаларни сотишдан оладиган натижаси ва бошқа активларни сотишдан оладиган молиявий натижаси акс этади. Давр харжатлари улардан чегирилувчи қатор сифатида олинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар қаторига корхонанинг молия бозоридаги фаоллигидан оладиган даромадлари ва мулкий муносабатлардаги иштирокидан олинадиган даромадлари, эркин алмаштириладиган валюта ресурсларини бошқаришдан оладиган даромадлари, корхонанинг молиявий фаолиятидан келиб чиқадиган турли харажатлар киритилади.

Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан даромадлар ва харажатлар қаторига корхонанинг асосий ва молиявий фаолиятидан ташқари, тасодифий ҳолатлар бўйича оладиган даромад ва харажатлари киритилади. Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан даромадлар ва харажатларга корхона учун яқин уч йиллик оралиқда одатий ҳол ёки фаолият тури ҳисобланмаган ҳолатлардан оладиган дармадлари ёки йўқотишлар киритилади. Шунингдек, тасодифий ҳолатлар ҳам киритилади.

1-жадвал

“Sedir-plastik” МЧЖни молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили⁶¹

| № | Кўрсаткичлар | 2021 йил | 2022 йил | Ўзгариши (+,-) |
|----|--|-----------------|-----------------|----------------|
| | | Сумма, минг сўм | Сумма, минг сўм | Суммадаги |
| | 1 | 2 | 4 | 6 |
| 1. | Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда | 7 921 986,4 | 11 731 271,64 | 3 809 285,24 |
| 2. | Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар | 2 790 947,41 | 5 398 469,55 | -2 607 522,14 |
| 3. | Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси | 5 131 038,99 | 6 332 802,09 | 1 201 763,1 |
| 4. | Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси | 5 131 038,99 | 6 332 802,09 | 1 201 763,1 |
| 5. | Фавқулоддаги фойда ва зарарлар | - | - | - |
| 6. | Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) | 5 131 038,99 | 6 332 802,09 | 1 201 763,1 |
| 7. | Даромад (фойда)дан солиқ ва бошқа солиқлар | - | - | - |
| 8. | Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар | 5 131 038,99 | 6 332 802,09 | 1 201 763,1 |

⁶¹ “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар маълумотларидан фойдаланилган. 2019-2022 йй.

Молиявий натижаларнинг шаклланиш бўйича таҳлилни қуидаги жадвал маълумотлари асосида бериш мумкин.

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилаётган “**Sedir-plastik**” МЧЖнинг жорий йилда ўтган йилга нисбатан 1 201 763,1 минг сўмга соф фойдаси кўпайган. Соф фойданинг кўпайишига асосан, асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси хам ўтган йилга нисбатан 1 201 763,1 сўмга кўпайган. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) 6 332 802,09 сўмга ортган ва 1 201 763,1 сўмга кўпайган. Бу корхона учун ижобий ҳолат.

Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлари 2021 йилда 2 790 947,41 сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 5 398 469,55 сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга исбатан -2 607 522,14 сўмга ошган. Бу корхона учун салбий таъсири бор. Сабаби маъмурий харажатлар ва бошқа операцион харажатлар миқдори ошиб кетган.

«“**Sedir-plastik**” МЧЖнинг даромад солиғи тўлагунга қадар фойда 1 201 763,1 сўмга ортишини кўришимиз мумкин. Умуман олганда ҳисобот даврининг соф фойдасини 1 201 763,1 сўмга кўпайганлиги корхона учун яхши ҳолат ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотищдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш ва хизматларни сотищдан шаклланланганлиги сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилади (2022).

Маҳсулот иш ва хизматларни сотищдан олинган молиявий натижа маҳсулот, иш ва хизматларни сотищдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади.

Таҳлилда сотишининг учта қатори характерланади.

1. Маҳсулот иш ва хизматларни сотищдан молиявий натижа;
2. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотищдан натижа;
3. Бошқа активларни сотищдан олинган натижа.

Уларни бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисоб обьекти ёки даромадларнинг юзага чиқиши шакли ёки ўрни сифатида таркибланиши белгиланган. Бунда асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва сотилиши, бошқа активларни сотищдан олинган натижалар асосий ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнлари сифатида қаралади. Уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромадлар ва харажатлар қатори кўрсатилиши тартибланган.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотищдан олинган фойда ёки зарар ўзгаришида омилли таҳлилга алоҳида аҳамият берилади.

Маҳсулот сотищдан олинган фойда ўзгаришига қуидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- Корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар.
- Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омиллар.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи, ҳажми, ассортимент ва структура омиллари киритилади. Унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омилларга давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Умумий жиҳатдан олганда фақат корхонанинг ўзига тегишли ва тегишли бўлмаган таъсир омилларини тартиблаш қийин. Уларни фақат нисбий жиҳатдан қараш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда иқтисодий самарага эришиш, уни ривожлантиришдаги муҳим вазифа корхонанинг операцион, молиявий ва инвестиция фаолиятида раҳбарият томонидан даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш усулларини эгаллаши зарур бўлади. Фойда шаклланишини самарали бошқариш бошқарув жараёнининг ташкилий-услубий тизимини барпо этиш, фойда шаклланишининг асосий механизмларини билиш, уни таҳлил ва назорат қилишда замонавий усуллардан фойдаланишини кўзда тутади. Тўқимачилик саноати корхоналарида маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилишининг ҳисобини тўғри ва аниқ ташкил қилиниши, ҳамда уни такомиллаштиришнинг зарурияти шундан иборатки, бу жараёнларнинг пировард натижасида корхонанинг молиявий натижалари шаклланади, бевосита корхона фаолияти натижавийлигига баҳо берилади. Шу сабабли қуидаги таклифларимизни бермоқчимиз.

Тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий эҳтиёжларининг амалга оширилишига асос бўлиб, корхона ихтиёрида қолувчи фойда ҳисобланади ва унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишининг асосий манбаидир. Шу сабабли молиявий натижаларнинг шаклланиши ва фойданинг ишлатилиши бўйича хўжалик муомалаларини текширишнинг асосий мақсади фойда (зарар)ни аниқлашнинг тўғрилигини ҳамда бюджетга тўловларни ўтказиш бўйича ҳисоблашишларнинг холисона реал амал қилинаётганлигини аниқлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар / Литература / Literature:

Yo'ldoshev N.Q., Yusupov S.Sh., Zaxidov G. (2016) Menejment asoslari va biznes reja. – Т.: Fan va texnologiya, – 244 b.

Азимова Ф.П. (2022) Тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини бошқариши тақомиллаштириш. Монография. 28 июнь."Factor book" нашриёти.

Базилинськая О.Я. (2011) Финансовый учет: теория и практика: [науч. пособ.] / О.Я. Базилинськая ; 2-ге вид. – К. : Центр учебной литературы, – 398 с.

Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. (2004) Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: "Шарқ" НМАК, -592 б.

Низом (1999). "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

Пошерстник Н.В. (2011) Бухгалтерский учет на современном предприятии: учебно-практическое пособие. –М.: Проспект, -560 с.

Савицкая Г.В. (2013) Анализ хозяйственной деятельности предприятия: учебник / Савицкая Г.В. -М.: Инфра-М, – 384 с.

Салова А.А. (2017) Понятие, сущность и значение финансового результата предприятия. //Альманах современной науки и образования, № 7 (120).

Скалюк Р.В. (2010) Сущность и значение финансовых результатов в системе развития хозяйственной деятельности промышленных предприятий. http://www.nbuv.gov.ua/portal/natural/nprkntu_e/2010_18_1/stat_18_1/21.pdf

Сметанко А.В., Коваленко А.С., Шарапова И.С., Сорокина Е.С., Бурдюг Н.В. (2014) "Молиявий натижалар назарияси". Ўқув қўлланма.

Соколов Я.В. (2007) Финансовый результат как цель бухгалтерского учета / Я.В.Соколов, М.Л.Пятов //Бухгалтерский учет. – № 21. – С. 56-59.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ПФ-60-сонли Фармони. // www.lex.uz.